

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЭШОНҚУЛОВ ЖУМАНАЗАР ШАЪБОНОВИЧ

**МУҲАММАДСИДДИҚ ХАЙРАТ ВА XIX АСР ОХИРИ – XX АСР
БОШИДА ТОЖИК ШЕЪРИЯТИ АНЪАНАЛАРИ**

**10.00.05-Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти
(тожик тили ва тожик адабиёти)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**The contents of the dissertation abstract of a Doctor of Philosophy (PhD)
in Philology**

Эшонкулов Жуманазар Шаъбонович

Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат ва XIX аср охири – XX аср бошида тожик шеърояти анъаналари..... 3

Эшонкулов Джуманазар Шаъбонович

Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат и традиции таджикской поэзии конца XIX – начала XX вв..... 21

Eshonkulov Dzhumanazar Shabanovich

Muhammad Siddiq Kairat and the traditions of Tajik poetry of the late XIX – early XX centuries..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 45

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЭШОНҚУЛОВ ЖУМАНАЗАР ШАЪБОНОВИЧ

**МУҲАММАДСИДДИҚ ҲАЙРАТ ВА XIX АСР ОХИРИ – XX АСР
БОШИДА ТОЖИК ШЕЪРИЯТИ АНЪАНАЛАРИ**

**10.00.05-Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти
(тожик тили ва тожик адабиёти)**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Fil1057 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида бажарилган.
Диссертация уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг (www.samdu.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Жумақул Ҳамроев филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Сулоймонов Исроилжон Исомиддинович филология фанлари доктори, доцент Худойдодов Аъзам Овлододович филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашининг 2022 йил, «__» _____ куни соат ____ га белгиланган мажлислар залида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони 15-уй. Тел: (8366) 239-11-40. 229-18-92; факс: (8366) 239-11-40, e-mail: rector) @ samdu.uz.

Диссертация билан Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони 15-уй. Тел: (8366) 239-11-40. 229-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферат 2022 йил, «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил, “____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Мухиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

Д.Хурсанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Х.Алимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошлари адабиётининг ғоявий мундарижаси, жанрлар кенгайиши, ижодкорларнинг адабий мероси, унинг бадиий тафаккур тарихидаги аҳамиятини белгилаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Адабиётнинг юксалишига поэтик ҳисса қўшган мутафаккир шоирлар ижоди, уларнинг бадиий маҳорати ва адабий-эстетик қарашлари жаҳон адабиётшунослиги илмий тадқиқотлари учун асосий объект бўлиб қолмоқда. Шу боис, адабий оқимда анъана, индивидуал маҳорат муаммоларини ижтимоий, бадиий-фалсафий аспектларда ечиш, унинг муайян шоир ижодидаги услуб манерасини аниқлаш, умумий ва хусусий жиҳатларини бугунги глобаллашган илмий-назарий тафаккур сатҳида очиш имконини бера олиши билан муҳим аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида муайян бир тарихий давр ижодкорининг тизимли ўрганиш, унинг ижодий ёндашувлари, минтақалар адабиётнинг такомил хусусиятлари, адабий муҳит ва адабий жараён моҳиятини белгилайдиган муҳим жиҳат эканлиги кенг ўрганилмоқда. Шунинг учун ҳам янги давр форс-тожик мумтоз адабиётнинг анъанавий йўналишларида ижод қилган шоирларнинг адабий меросини ўрганиш, жаҳон адабиётшунослигида ижтимоий-сиёсий, адабий-эстетик омиллар ва йўналишларнинг шаклланиши ҳамда тараққиёт босқичлари, адабий фаолиятнинг етакчи вакиллари биографияси, мавзулар кўлами ва поэтикаси, жанр хусусиятлари, образлар тизимидаги анъанавийлик ва янгиланишлар, бадиий тил масалаларини тадқиқ этиш зарурияти юзага келмоқда.

Мустақиллигимизнинг илк кунларидан ўтмиш адабий меросга танқидий нуқтаи назардан ёндашиш, XIX асрнинг охири ва XX аср бошлари адабиётининг асосий йўнлишларини аниқлаш, тожик тилида яратилган мумтоз адабиёт намуналарини, ҳар бир ижодкор поэтик маҳорати негизида чуқур ва холис ўрганишга киришилди. Шу боис, “Буюк аллома ва адибларимиз, азиз авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак”.¹ Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат асарларида илгари сурилган диний-маънавий, ахлоқий-маърифий қарашлар, ўзига хос поэтик чизгилар, халқчил мотивлар, ҳаётий реалликнинг бадиий талқини замонавий тожик адабиётининг тадрижий такомилни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил, 28 декабрдаги “Тараққиёт йўлимизнинг шиддати янада ошаверади” мавзусидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил, 29 декабрь.

самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётшунослик илмида нисбатан кам ўрганилган Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида Шарифжон-Маҳдум Садри Зиёнинг “Тазкори ашъор”, Ҳожи Неъматуллоҳ Мўхтарамнинг “Тазкират уш-шуаро”, Абдуллоҳхожа Абдийнинг “Тазкират уш-шуарои мутааххирин” ва Шайх Абдулқодир Кароматулло Бухорийнинг “Армуғони саббоғ”¹, С.Айнийнинг “Ёддоштҳо” ва “Намунаи адабиёти тоҷик” асарлари муҳим ва таянч манбалар ҳисобланиб, уларда таржимаи ҳол тарзидаги қисқача маълумотлар, шоир шеърларидан намуналар келтирилган.

Бу борада яратилган тадқиқот намуналарини икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчиси, давр умумий адабий оқимини ўрганиш жараёнида Ҳайрат ижодий фаолиятининг айрим баҳсли жиҳатларини адабиёт тарихи контекстида тадқиқ этишга қаратилган тадқиқотлар бўлиб, С.Айний, Н.Маъсумий, Х.Мирзозода, М.Шукуров, Р.Ҳодизода каби йирик адабиётшуносларнинг тадқиқот ишларини шу сирага киритиш мумкин.

Иккинчиси, мустақиллик йилларида адиб ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганишга қаратилган алоҳида тадқиқий ишлардан иборат. Бунга Худойназар Асозоданинг “Адабиёти тоҷик дар садаи ХХ” ва “Таърихи адабиёти тоҷик (давраи нав)” каби илмий асарларини, шоир ижодий мақомининг таҳлили ҳақидаги Ж.Ҳамроевнинг “Таърихи танқиди адабӣ”, “Таърихи адабиёти навини тоҷик”, С.Хўжақуловнинг “Адабиёти давраи бедории миллӣ”, И.Эшонқуловнинг “Ҳашмати Бухорӣ ва тазкираҳои ӯ”, “Энциклопедияи

¹Садри Зиё, Шарифжон-маҳдум. Тазкори ашъор. Шарҳи ҳоли бархе аз шоирони муосири Тоҷикистон ва намунаҳои аз ашъори онон. Бо тасҳеҳи Саҳобиддини Сиддиқ. Бо кўшиши Муҳаммадҷони Шақури Бухорӣ. Чопи аввал. – Тоҳрон: Суруш, 1380=2001. – 428 саҳ.; Мўхтарам, Ҳоҷи Неъматуллоҳ. Тазкират уш-шуаро. Бо тасҳеҳ ва муқаддимаи Асғари Чонфидо. Зери назари Камол Айний. – Душанбе: Дониш, 1975. – 399 саҳ.; Абдӣ Абдуллоҳхоҷа. Тазкират уш-шуаро. Бо тасҳеҳ ва муқаддимаи Асғари Чонфидо. Зери назари Саҳобиддин Сиддиқов. – Душанбе: Дониш, 1983.; Шайх Абдулқодир Кароматуллоҳи Бухорӣ. Тазкираи саббоқ. Бо сарсухан ва тавзеҳоти М.Отаҳонзода. – Тошкент: Фан, 2007.

миллии тоҷик”¹ каби дарсликлари ва энциклопедик характерга эга бўлган манбаларини мисол қилиш мумкин. Уларда шоир ҳақида алоҳида фасллар ажратилган. Аммо Расул Ҳодизоданинг ташаббуси билан “Ашъори мунтахаб”-и Ҳайрати Бухорой” номли китобида шоирнинг шеърӣ девонига ёзилган муфассал кириш сўзи тадқиқотчилар учун айни пайтдаги ягона ва муҳим манба бўлиб қолмоқда.

Кўриняптики, XIX аср охири ва XX аср бошлари тожик шеърӣятининг лингвостилистик ва лингвопозетик хусусиятларини умумий адабий жараён контекстида тадқиқ этиш, Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат Бухорӣйнинг девони таркибининг жанр хусусиятлари, унинг ўзига хос поэтик маҳоратини аниқлаш, шоир адабий меросида анъанавӣйлик ва янгиланиш тамойилларини тадқиқ этиш ва бу адибнинг давр адабий жараёнидаги алоҳида мавқеини аниқлаш адабиётшунослик олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмӣй-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университетининг илмӣй тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Тожик адабиётида адабий жанрлар ва ижодӣй услублар рангбаранглиги” мавзусидаги тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат адабий-ижодӣй фаолиятини, поэтик маҳоратини XIX аср охири – XX аср боши тожик шеърӣяти анъаналари асосида очиш, шоир девонининг жанрӣй таркиби, мавзулар олами, мотив ва образларига хос хусусиятларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

адабий-тарихӣй манбаларда ҳамда тожик ва хорижий тадқиқотчи олимларнинг асарларида XIX аср охири ва XX аср бошида яшаб ижод этган Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат Бухорӣйнинг ҳаёти, ижодӣй фаолиятига илмӣй ёндашув усуллари ҳамда принципларини аниқлаш;

Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат ижодига у яшаган Бухоро адабий муҳитидаги ижтимоӣй-сиёсий ва адабий шароитнинг таъсирини далиллаш;

XIX–XX асрларда адабий анъаналар ва тожик шеърӣяти жанрларининг эволюциясини Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат ижоди, поэтик маҳорати асосида исботлаш;

Ҳайрат Бухорӣй шеърлар девонининг ғоявӣй мазмуни ва мундарижасини ҳамда тузилишини очиш;

шоир шеърӣятининг ўзига хос образлар тизимидаги анъанавӣй ёндашув, поэтик услубӣй янгиланишлар, лингвопозетик ва лингвостилистик хусусиятларни ойдинлаштириш;

Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат лирик меросидаги ижтимоӣй мотивлар, образлилик, замон воқеликлари танқидида шоир поэтик маҳоратининг намоён бўлишини асослаш;

¹Асозода Х. Таърихи адабиёти тоҷик (давраи нав). Китоби дарсӣ барои мактабҳои олий. – Душанбе: “Маориф ва фарҳанг”, 2014; Ҳамроев Қ. Таърихи танқиди адабӣ. – Душанбе: Адиб, 2006; Таърихи адабиёти навини тоҷик. – Тошкент: Тамаддун, 2015; Хўчакулов С. Адабиёти давраи бедорӣи миллӣ. – Тошкент: Миллӣй Энциклопедия, 2015; Эшонқулов И. Ҳашмати Бухорӣй ва тазкираҳои ӯ. – Тошканд: TURON – IQBOL, 2019.

XIX аср охири – XX аср боши тожик шеърятини анъаналари тадрижий такомиллашувида Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат лирик меросининг ўрни ва аҳамиятини белгилаб кўрсатиш.

Тадқиқот объекти сифатида XIX аср охирлари ҳамда XX бошида яратилган тазкиралар, баёзлар, эсдаликлар ва Тожикистон Фанлар академияси қошидаги Шарқ қўлёмалари марказида (№1247 рақами остида) сақланаётган С.Айний топшириғига биноан Мирзо Абдулвоҳид Мунзим томонидан кўчирилган Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат “Девони”нинг асл нусхаси ҳамда Р.Ҳодизода томонидан кирилл ёзувида нашр этилган девони танланди.

Тадқиқотнинг предметини Муҳаммадсиддиқ Ҳайратнинг ижодий меросининг ғоявий, жанрий, бадиий-композицион, тил хусусиятлари, XIX аср охири – XX аср бошидаги тожик шеърятининг поэтик анъаналари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, контекстуал таҳлил, биографик, герменевтик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат Бухорийнинг ижодий услуб манерасида тариқат, маърифат, ваҳдат, ҳақиқат каби ирфоний қарашларнинг халқчиллиги, метафора қўллашдаги тушунарлилик, халқ оғзаки ижодига яқинлилик каби жиҳатларга эга эканлиги асосланган;

шоир девонининг қўлёмма нусхаларида ишқ, муҳаббат, садоқат, дўстлик каби ғоялар мавжудлиги ҳамда ташбиҳ, тажнис, мажоз, истиора, рамз, киноя каби санъат турлари қўлланганлиги далилланган;

Ҳайрат Бухорий шеърятинида ирсоли масал бадиий санъатини қўллашда, халқ мақолларини танлашда ритм қонуниятига, мисраларда ички ва ташқи қофияларни конструктив тузишда аниқликка риоя қилинганлиги очиб берилган;

шоир лирикасида гўзал бадиият уйғунлигини таъминлашда лафзий ва маънавий санъатларнинг мутаносиблиги, мақолларнинг поэзия тилига яқинлиги, афоризмларнинг тарбиявий аҳамият касб этганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат Бухорий ҳаёти, ижодий фаолияти, асарларининг ғоявий-тематик, бадиий хусусиятлари, адибнинг жанр танлаш, бадиий образ яратиш, лингвопоэтик воситалардан фойдаланиш маҳорати ёритилган:

шоир девонининг ғоявий мазмуни, мавзулар кўлами ва композицион тузилиши, унинг тожик мумтоз адабиёти анъаналари тараққиётидаги аҳамияти тадқиқ этилган;

Ҳайрат ижодига хос поэтик анъаналар асосида XIX аср охири ва XX аср бошидаги Бухоро адабий ҳаётига дахлдор услубий ўзига хослик, форс-тожик анъанавий лирик жанрларнинг шоир девонидаги ўрни очиб берилган;

бадиий тасвир воситаларининг шоир девонига мансуб лирик жанрлардаги поэтик вазифасига баҳо берилган;

Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат Бухорий ижоди мисолида у фаолият юритган адабий муҳит белгилари, унда зуллисонайнлик, мумтоз адабий анъаналар, унинг лирик ва ижтимоий мавзуларга муносабати, бадиий санъатлардан фойдаланиш маҳорати илмий асосда далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги XIX аср охири ва XX аср бошлари тожик адабиёти, хусусан, Бухоро адабий муҳитида яшаб ижод қилган Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат ижодига доир маҳаллий ва хорижий олимларининг фундаментал илмий-назарий қарашлари ўрганилганлиги, тадқиқот доирасида бу давр адабиётининг анъанавий лирик жанрлари хусусиятлари, шоир асарларининг интиқодий матни ва ундан фойдаланилганлиги, тадқиқот хулосалари ва тавсиялари амалиётга татбиқ этилгани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти XIX аср охири ва XX аср бошларида ўзбек ва тожик адабиёти тараққиётининг умумий хусусиятларини аниқлаш, унда зуллисонайнлик анъаналарининг ривожланиш сатҳини белгилаш, янги давр адабиёти бўсағасида айрим адабий сиймоларнинг ижодий меросида ижтимоий-эстетик, ахлоқий-тарбиявий масалаларнинг бадиий ёритилишини анъана ва адабий таъсир нуқтаи назаридан ўрганишда илмий-назарий манба бўла олиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унинг умумий мазмуни ва хулосалари маърифатпарварик ва жадиличлик даври адабиётининг ўрганилмаган, таҳлил қилинмаган сиймолари мероси бўйича рисоалар яратишда, шунга оид адабий анъаналар, ўзбек ва тожик адабиётининг адабий алоқалари бўйича маърузалар ўқишда, адабиёт назарияси, матншунослик, манбашунослик фанларидан дарсликлар, ўқув, услубий қўлланма ва мажмуалар тайёрлашда ишончли манба сифатида хизмат қила олишида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат ва XIX аср охири – XX аср бошида тожик шеърини анъаналарини тадқиқ этишда олинган илмий натижалар асосида:

Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат Бухорийнинг услуб манерасидаги алоҳидалик, вазнининг соддалаги, ирфоний қарашларнинг халқчиллиги, метафора қўллашдаги тушунарлилик, халқ оғзаки ижодига яқинлилик каби хулосалардан ЎЗР ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуминатар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ФА-ФІ-ОО5 “Қороқалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” (2017-2020 й.й.) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган. (ЎЗР ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуминатар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 07 июлдаги № 15311 маълумотномаси). Натижада Туркистонда кечган маърифатчилик ҳаракатининг бадиий адабиётга таъсири, мазкур даврдаги Бухоро адабий муҳитининг ўзига хос ижодий йўналишлари, тожик-ўзбек-қорақалпоқ адабиётининг муштарак ва ўзига хос жиҳатлари ҳақида яхлит ва умумлашма хулосаларга келиш учун асос бўлган;

Шоир девонининг қўлёзма нусхалари ва уларнинг композицион тузилиши, ғоявий-бадий жиҳатлари, қўлланилган адабий тимсолларнинг ранг-баранглиги, фолклорга хос қаҳрамонлик, яхшилик, эзгулик, вафо, садоқат сингари мотивларига доир хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O’zbekiston” телеканалининг “Бедорлик”, “Таълим ва тараққиёт”, “Адабий жараён”, “Рангинкамон” туркумидаги кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O’zbekiston” телеканали ДУКнинг 2021 йил 28 майдаги 01-13-855-сон маълумотномаси). Натижада ушбу кўрсатувларнинг қизиқарли ва илмий-оммабоп бўлишига эришилган;

Ҳайрат Бухорий шеърлятидаги ғазаллар, рубоийлар, қитъалар ҳамда уларнинг ғоявий, матний, лингвостилистик хусусиятлари ва ирсоли масал, тазод, талмеҳ каби бадий санъатларнинг қўллашдаги маҳорати борасидаги хулосалардан академик Бобожон Ғафуров номидаги Хўжанд давлат университети, Ҳозирги замон тожик адабиёти кафедраси томонидан бажарилган 2018-2022 йиллардаги GR № 0118 TJ 00948 – “Омўзиш, таҳқиқ ва нашри осори адибони охири асри XIX ва аввали асри XX” (XIX аср охири ва XX аср бошидаги адиблар асарларини ўрганиш, илмий тадқиқот ишлари олиб бориш ва чоп этиш) лойиҳасида (Б.Ғафуров номидаги Хужанд давлат университетининг 2020 йил 07 октябрдаги №01/7246-сонли маълумотномаси) фойдаланилган. Натижада Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат шеърлари тожик адабий ва миллий-маънавий меросининг ажралмас қисми экани, шоир шеърлятининг поэтик таҳлили, унда замонавий муаммолар концепциясининг инъикоси, жанрлар типологияси, замонавий тожик шеърляти учун янги йўналишларнинг таснифини амалга ошириш, таҳлил қилиш, изоҳлашда муҳим манба қиёсий ўрганишда муҳим назарий манба вазифасини ўтаган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Илмий тадқиқот натижалари республика ва халқаро миқёсда бўлиб ўтган 6 та илмий назарий конференциялар ва илмий семинарларда, жумладан, 4 та халқаро конференциялар ва 2 та республика илмий-назарий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий мақола нашр қилинган. Шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан фалсафа доктори (PhD) диссертацияси учун тавсия этилган илмий журналларда 6 та мақола, республика миқёсида 3 та ҳамда халқаро миқёсдаги илмий журналларда 3 та мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 165 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий тадқиқот ишлари режаси билан

боғлиқлиги, мақсади, объекти, предмети, вазифалари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорийланиши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши баён қилинган.

Диссертациянинг *“XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухоро адабий муҳити”* деб номланган биринчи боби икки фаслдан иборат бўлиб, унинг биринчи фаслида *“Бухоро адабий муҳитидаги ижтимоий-сиёсий ва адабий вазияти ҳақида қисқача маълумот”* ҳақидаги масалалар ёритилган.

Марказий Осиё мамлакатларида сиёсий ва ҳудудий ҳодисалар туфайли учта марказда, Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликларида илмий-адабий муҳит ривожланиб, улар умумий хусусиятлари билан бирга, бир-биридан фарқли равишда ажралиб турар эди. XIX асрнинг биринчи ярми бу ўлкадаги халқларнинг нотинч ҳамда қолоқлик даври ҳисобланар эди. Марказий Осиё мамлакатининг учта хонлик ва амирликларга – Хива ва Қўқон хонликлари ҳамда Бухоро амирлигига бўлиниши ва ягона адабий марказнинг мавжуд бўлмаганлиги сабабли тожик адабиёти иккита марказда – Қўқон ва Бухоро ҳамда унинг аторофидаги туманларда ривожланди. Хива хонлигида эса зуллисонайнлик анъанасига мувофиқ, бир гуруҳ шоирлар қалам тебратардилар. XIX аср охири – XX асрнинг бошларида Бухоронинг адабий муҳити фан ва маданиятнинг, айниқса, шеъриятнинг энг муҳим марказларидан бири бўлган ва форс-тожик адабиётининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Шоирлар Аҳмад Дониш ва Шарифжон-Махдум Садрӣ Зиё кўмаги ва раҳбарлигида адабий муҳитни яратиш ва янада ривожлантиришда бекиёс ҳисса қўшдилар. Бухоронинг адабий муҳити, амирликнинг иқтисодий ва маданий инқирози ва Чор Россиясининг таъқибига қарамай, сезиларли тараққиёт ва ютуқларга эришди.

Буюк мутафаккир Аҳмад Донишнинг *“Рисола ё тарихи мухтасари сулолаи Манғития”* ва *“Наводир ул-вақоъ”* асарлари бу жараёнда мисли кўрилмаган маънавий ҳодисалардан эди. Ушбу давр адабиётида ўрта аср форс-тожик адабиётининг баъзи маънавий таназзули ва ғоявий такрорланувчи ҳодисаларнинг мавжуд бўлишига қарамай, мазкур адабий муҳит шароитида адабий жараёнларнинг пайдо бўлиши, сўз санъаткорлари жамоаси маҳфилининг ташкил этилиши ва ривожланиши, татаббу, мухаммас, назира каби баъзи жанрларнинг эволюцияси ва шунга ўхшаш ғоялар XIX аср ва XX аср бошларидаги форс-тожик адабиёти ўтмишдаги энг яхши анъаналарнинг мантӣқий давоми бўлганлигини исботлайди.

Асрлар давомида XIX ва XX аср бошлари адабиёти сўз санъати майдонида кўплаб нотикларни етказиб берди, уларнинг аксарияти ўзларидан кўплаб асарлар ёзиб қолдирдилар. Ушбу давр адабиётида шеърий девонга эга бўлган шоирлар ҳамда таниқли тарихчилар сони нисбатан кўпайиганлиги сезилади.

Бобнинг иккинчи фасли *“XIX-XX асрларда форс-тожик адабий анъаналаридан таъсирланиш ва тожик шеърияти жанрларнинг тадрижий ривожланиши”*га бағишланган XIX-XX асрларда Бухоро адабий муҳитида тожик мумтоз адабиётининг маълум жанрлари, асосан: ғазал, қасида, қитъа,

рубойӣ, мухаммас, маснавий, таърих; тарихий қитъа, муфрадот ва бошқа адабий турлари ривожланди.

Ғазал - бу давр адабиётидаги энг кенг тарқалган жанрлардан бири эди. Кўпгина ғазалларнинг ҳажми 6-8 байтдан иборат бўлиб, унда муаллифларнинг ишқ, муҳаббат, ҳижрон азоби ва турли хил ижтимоӣ ва руҳий ҳолатдаги масалаларни қамраб олган. Ушбу давр ғазалларининг ўзига хос хусусияти, шоирларнинг форс-тожик адабиётидаги ҳинд бадиӣ услубига бўлган ижодӣ ёндашуви ва бадиӣ тасвирларида намоён бўлади. Бирок, улар ҳинд услубига умуман тақлид қилмасдан, форс-тожик адабиётининг машҳур вакиллари: Ҳофиз, Жомӣ, Навоӣнинг услуби ва маҳоратига алоҳида эътибор беришган ҳамда ушбу адабий жанрни яратишда уларнинг ижодӣ йўлидан борганлар. Шу сабабли, бундай ғазаллар ҳиндий ва ироқӣ услубларининг тадрижий ривожланишида муайян имконият яратди. Бу даврда яшаган машҳур ғазалнавис шоирлар орасида Шамсиддин Шохин, Абдулқодирхўжа Савдо, Қори Раҳматуллоҳи Возеҳ, Нақибхон Туғрал Аҳрорӣ, Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат Бухорӣ ва бошқалар алоҳида ажралиб турадилар.

Расул Ҳодизоданинг маълумотига кўра, “Возеҳнинг ғазаллари ва Бедилнинг ҳинд услуби издошлари ғазалларида радиф боғлашда мойиллик ёрқин намоён бўлган бўлса, Шохин ва Ҳайрат ғазалларида эса, биз қофия боғлашнинг бирхиллигини кўролмаимиз. Бу икки шоир кўпроқ қофияларнинг хилма-хиллиги, айниқса, мураккаб қофияларни яратишда, ғазал ижодида XV аср ғазалларига ўхшаш оҳанги ва хилма-хиллиги билан ғазал мазмунига кўпроқ боғлиқ бўлган”¹.

Бу маънони Муҳаммадсиддиқ Ҳайратнинг қуйидаги ниҳоятда гўзал ва жозибали ғазалидан яққол англаш мумкин:

Масалан:

Гашт дил волаву шайдои ту, майлаш-дияе,
Рехт хунам ба таманнои ту, майлаш-дияе².

Мазмуни:

Юрак ошику шайдо бўлди, майли-га-е,
Сенинг орзуингда қоним тўкилди, майли-га-е.

Баъзилар Айний, Мунзим, Ҳамдийга ўхшаш шоирлар адабий мажлисларга қатнашиб, мазкур “адабиёт мактаби”дан бевосита таълим олганлар, баъзиларга эса, билвосита - “узоқ йўлдан” бу давлат насиб этган.

Бундан ташқари, юқорида келтирилган Ҳайратнинг ғазали “ағлоти урфия”да ёзилган. “Ағлоти урфия” сўзидан мақсад, шеърнинг “майли-га-е” радифидир. “Ағлот” ғалатлар, хатолар деган маъноларни ифодалайди. Яъни Садри Зиё “майли-га-е” сўзини оддий мулоқот хатоларидан ҳисоблаган. Шу билан бир қаторда, эҳтимол у лойиқ деб билган, зеро уни янги шеър намунаси сифатида келтирган. Ҳар ҳолда “муҳовирати урфия” (урфӣй,

¹ Ҳодизода Р. Адабиёти тоҷик дар нимаи дувуми асри XIX. – Душанбе: Дониш, 1968. – Саҳ.113-114.

² Ҳайрат. Ашъори Мунтахаб. – Душанбе: Комбинати Полиграфии Тоҷикистон оид ба матбуот, 1964. – Саҳ.126.

оммавий мулоқот) унсурлари, омиёна сўзлар, халқий мажозлар ҳамда, янги ташбеҳ ва истиоралар “муҳовироти урфия” (оммавий сўзлашувдан) олинган бўлиб, улар “Тазкори ашъор” шеърий асаридаги “янги шеър” нинг биринчи белгиси ҳисобланади.

Расул Ҳодизоданинг таъкидлашига кўра, бу давр шеъриятида лирик шеъриятнинг бошқа турлари - рубоий ва қитъа кўпроқ учрамасада, аммо бу турдаги шеърлар яратишда шоирлар мумтоз шеъриятнинг анъаналарига тўла амал қилишган. Шу даврнинг энг маъмул жанрларидан бири, бу муфрадот (фард) саналади. Маълумки, фард-бир байтдан иборат бўлган кичик лирик жанр бўлиб, унинг мисралари бир-бирига қофиядош, баъзи ҳолларда эса, қофиядан озод тарзда ижод қилинади. Тазкиралар ва шоирлар девонида келтирилган қасидалар, Бухоро адабий муҳитидан далолат бериш билан бир қаторда, қасиданависликнинг ижодидаги тадрижий ривожланишини ёрқин акс эттиради. Бу даврдаги шоирлар қасиданавислик анъанасида ўтмиш шоирларининг издошлари эдилар. Маснавий ҳам ғазалга ўхшаш шу давр шоирлари асарларида энг кўп қўллангандиган адабий жанрлардан бири бўлган.

Айтиш мумкинки, мумтоз адабий жанрлар ва анъанавий меъёрларда бу даврдаги сўз санъаткорлари ўтмишдаги бадий санъат анъаналарининг издоши эдилар. Бу даврдаги адабиётга яна бир анъанавий ёндашувни ҳинд услубига адабий тақлид ва ундан таъсирланиш ҳодисаси ташкил қилади.

Диссертациянинг иккинчи боби “*Муҳаммадсиддиқ Ҳайратнинг ҳаёти, асарлари ва ижоди*” деб номланиб, ушбу бобнинг биринчи фасли “*Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат Бухорий ҳаёти ва ижодига оид тарихий маънавий ва илмий қарашлар*” масаласига бағишланган. Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат Бухорий - XIX охири ва XX аср бошлари тожик адабиётининг таниқли шоири бўлиб, тожик шеърияти ва бадий адабиётининг ривожланишида муносиб ҳисса қўшган. Ватанимиз ва чет эл адабиётшунос олимлари томонидан XIX охири ва XX аср аввалидаги тожик адабиёти ҳақида илмий изланишлар олиб борилган бўлсада, бироқ бу шоир меросининг асл моҳияти ҳали ҳанузгача алоҳида ва мукамал таҳлилу тадқиқ қилинмаган. Шу сабабдан, Мовароуннаҳр тазкиранавислари нуқтаи назаридан шоир Ҳайрат ҳаёти ва маънавий меросининг ўрганилмаган муҳим жиҳатлари хусусида қисқача маълумот келтириш айна мақсадга мувофиқдир. Унинг шеърлари ўз давридаги тазкиранавислар ва донишмандлар томонидан сўз санъатининг энг олий намунаси сифатида эътироф этилган.

Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат 1878 йилда Бухоронинг Арўсон маҳалласида туғилган. У шу даврдаги Муҳаммад Али Ҳожий мадрасасида таҳсил олган бўлиб, кейин Сўзангарон кўчасига келиб, умрининг охиригача шу жойда ҳаёт кечирган. У маърифатпарварлик адабиётининг вакили бўлиб, шу даврдаги Шарифжон-Махдум Садри Зиёнинг уйида ташкил этилган адабий мажлисларда қатнашган. Садриддин Айний ва Абдулвоҳид Мунзим билан мутазама ижодий алоқада бўлган. Шоирнинг вафотидан сўнг Садриддин Айнийнинг тавсиясига биноан, унинг девони Мирзо Абдулвоҳид Мунзим томонидан китоб ҳолида кўчирилган. Мазкур илмий тадқиқот айнан ана шу

Тоҷикистон Республикаси ҶА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар захирасидаги 1247 инвентар рақами остида сақланаётган ягона қўлёзма нусхаси, ҳамда адабиётшунос олим Расул Ҳодизоданинг ташаббуси билан 1964 йилда “Ҳайрат. Ашъори мунтахаб” номи билан нашр қилинган девони асосида бажарилган.

Муҳаммадсиддиқ Ҳайратнинг ҳаёт ва фаолиятини ўрганишда Садриддин Айний ва Расул Ҳодизоданинг хизматлари катта. Тадқиқот ишининг бу фасли Ҳайрат Бухорийнинг ҳаёти ва асарларини аниқ тадқиқ қилиш, шу асосида форс-тожик адабиётида ҳали мукамал таҳлил қилинмаган ва ўрганилмаган мазкур ижодкор фаолиятини теранроқ ёритишга қаратилган.

Шарифжон-Махдуми Садри Зиё Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат ижодидан 2 қитъа (тахминан 35 байт), 1 ҳасбу ҳол, қасида (33 байт атрофида) ва устоз Айний томонидан Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат вафоти муносабати билан ёзилган тарихий қитъа келтирилган бўлиб, бу шеърлар шоир ҳаётини ҳар томонлама ўрганиш ва таҳлил қилиши учун муҳим ҳамда қизиқарлидир.

Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат вафоти тарихи ҳақидаги мулоҳазалар. Садриддин Айнийнинг “Намунаи адабиёти тоҷик”, “Ёддоштҳо” (Эсдалиқлар) асарида Муҳаммадсиддиқ Ҳайратнинг айнан такрорланган, фақат вафот этган йилининг тарихи ва фавқулодда истеъдод эгаси бўлганлиги ҳақидаги маълумот билан кифояланган, ҳолос.

Бобнинг иккинчи фасли “*Муҳаммадсиддиқ Ҳайратнинг девони, унинг таркиби ва тузилиши*” деб номланган. Садриддин Айний Муҳаммадсиддиқ Ҳайратнинг ҳаёт йўлидаги саргузаштлари ва ижоди ҳақида батафсил фикр мулоҳаза юритган¹.

Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат девонининг тақдири ва иши ўзгача. Гарчи унинг адабий мероси оғир ҳаёти ва қисқа умри туфайли ниҳоятда кам, у ҳам бўлса, адаб аҳлига девонининг ягона нусхасини топгунга қадар, баёз (шеърӣ тўплам) ва тазкиралардаги тарқоқ шеърларидан маълум бўлсада, аммо у ўзидан адабиётда қимматбаҳо асарлар мерос қолдирди.

Тадқиқотчи олим Расул Ҳодизода ўзининг илмий изланишлари натижасида, Тоҷикистондаги Абулқосим Фирдавсий номидаги кутубхонадаги Шарқ қўлёзмалари захирасини изчил ўрганиб, ниҳоят “Девони Ҳайрат”ни топишга муваффақ бўлди. Олим ишнинг бошланғич қисмида, мазкур девон “Девони Ҳайрат” эканлигига шубҳа билан қараб, унинг шеърларини шу сабабдан тазкиралар, баёзлар ва шеърӣ дафтарлар ҳамда Садриддин Айнийнинг “Намунаи адабиёти тоҷик” ва “Ёддоштҳо” асарларида келтирилган Муҳаммадсиддиқ Ҳайратнинг шеърлари билан ўзаро таққослаб, шоирнинг асл шеърятини тўплашга жидду жаҳд қилган. Бу борада шоир девонининг тўпловчи ва нашрга тайёрловчиси Расул Ҳодизода ўзининг кириш сўзида батафсил ёзган².

¹ Айний С. “Ёддоштҳо”. Ҷилди 7. Қисмҳои 3-4. - Сталинобод: “Нашриёти давлатии Тоҷикистон”, 1957. - саҳ.337.

² Ҳайрат. Ашъори Мунтахаб. – Душанбе: Комбинати Полиграфии Тоҷикистон оид ба матбуот, 1964. -саҳ.19.

Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат ижодида ғазал, мухаммас, қитъалар, маснавий, тарих, муфрадот, мусаммат ва рубоийга ўхшаш лирик жанрларда кўпроқ эътибор қаратиб, бу йўналишда маълум даражада муваффақият қозонди;

Ҳайрат девонидаги шеърларнинг аксарият қисми ҳамма нарсадан олдин ижтимоий тенгсизлик, сарой аҳлининг инсоний хислатлардан йироқ муносабатлари, давр ва замон амалдорларидан шикоят, асоссиз бечораҳолликдан арзиҳол қилиш муносабатлари ва ҳоказолардан иборат.

Бобнинг учинчи фасли “*Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат шеърятининг мавзундарижаси ва бадиий хусусиятлари*” деб номланган. Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат Бухорий асарларини мавзу ва мазмун жиҳатдан бир неча қисмга ажратиш мумкин. Аввало, шоирнинг абадий ишқ ва муҳаббат мавзусидаги шеърлари унинг ошиқона ҳис-туйғуларининг алоҳида жиҳатиини қамраб олади. Шоир шеърларининг бир қисми моҳиятан ҳасбиҳол (таржимаи ҳол) хусусиятга эга бўлиб, уларда ҳаёт, сафарлар, замона танқиди, омманинг саводсизлиги, яшашнинг ноқулайлиги ҳамда шоирнинг руҳияти ёрқин ифодасини топган.

Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат шеърларининг яна бир қисмида табиат гўзаллиги, ажойиб манзаралар бутун таровати, малоҳати, гўзаллиги ва нафосати билан ўқувчи кўзи олдида намоён бўлади. Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат асарларида адабиёт анъанавийнинг образлари: нафис хаёлот рамзи ва тасиялари сифатида ишлатилган. Масалан, шаъм ва парвона – бу форс-тожик адабиётида ва айниқса жаҳон адабиётидаги ошиқ ва маъшук сиймосининг образини акс эттирувчи образ ҳисобланади. Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат тасвирлаган шаъм ва парвона (капалак) образлари жуда маҳорат билан ифодаланган:

Не майл сўи сунбулу хотир на ба шамшод,
З-он қад ба хаёлам хушу з-он зулф ба шам шод¹.

Таржимаси:

Менинг сунбулга ҳам, шамшодга ҳам мойиллигим йўқ,
Шу қаддан хаёлим хуш бўлиб, у зулфдан шамъ олдида

шодман.

Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат шеърларида шартли ва рамзий образлар эмас, балки, аввало, лирик қаҳрамоннинг инсоний туйғулари, самимийлиги ва тўғридан-тўғри ҳис-туйғуларининг аниқ ифодасини кузатиш мумкин.

Ишнинг учинчи боби “*Муҳаммадсиддиқ Ҳайратнинг XIX-XX аср тожик шеърятини ривожигаги ўрни*” деб номланган. Бобнинг биринчи фаслида “*Шоир ижодининг услуби, тили ва бадиий хусусиятлари*” масаласи тадқиқ этилган.

Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат шеърларининг мазмун ва моҳиятини таҳлил қилиш натижасида унинг форс-тожик шоирларининг ғазалларидан таъсирланганлиги аниқланадики, улар орасида хурсоний услуб, ироқий услуб ва ҳиндий услуб ҳам кузатилади.

¹ Шу манбаъ. – Саҳ.52.

сиёсий масалалар, “Наводир ул-вақоеъ” асарида очик ва аниқ баён қилинган Бухоро амирлиги давлати тузилишини ошкора ва қаттиқ танқид қилиниши, рус таълими ва маданиятини тарғиб қилиш шулар жумласидан бўлиб, Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат шеърларининг мазмуни ва онгу тафаккури доирасининг ривожланишга муҳим роль ўйнаган. Шоир ижодиётида шикоят оҳангидан ташқари, ижтимоий ва таржимаи ҳол оҳанглари ҳам назарга ташланади.

Хулоса қилиб айтганда, Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат ўзининг қисқа ҳаёти ва баракали ижоди давомида, ҳаётнинг нотинчлиги, тартибсизлиги ва номутаносиблигига қарамай, ворисларига қимматбаҳо мерос қолдирди.

Бобнинг учинчи фасли “*Муҳаммадсиддиқ Ҳайратнинг бадиий санъатлардан фойдаланиши маҳорати*” дея номланди. Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат асарларини ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, шоир шеъриятида деярли барча санъатлардан фойдаланган. Шоир ўз шеърларида бадиий санъатларнинг: тавсиф, ташбеҳ, киноя, муболаға, ийом, лутф, ирсол ул-масал, тазод ва муқобала, савол-жавоб, мурут-ун-назир, лаффу нашр, тафсир, таҷоҳули ориф, танжим, тазмин, таҷнис, сажъ, иштиқоқ, тарсеъ, мувашшаҳ, мураббаъ, ҳазф ва такрорга ўхшаш бадиий тасвир воситаларидан кенг кўламда фойдаланган.

Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат Бухорий асарларида талмеҳ санъати лирик қаҳрамоннинг мақсад ва ғояларини ифодаланиши учун Одам, Мусо, Исо, Юсуф, Яъқуб, Сулаймон, Хизр, Иброҳим каби диний, тарихий ва мифологик исмлар турли ҳолатларда қўлланилади.

Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат нужум илмининг моҳир билимдони сифатида ўз ғазалларида нужум илмининг атамаларидан кенг кўламда фойдаланиб, улардан шеърининг латофати ва назокатини юксак даражада тасвирлаш мақсадида ишлатган.

Масалан:

Дидам аз он, ки меҳри рухаш собити дил аст,
Бо халқ он чӣ кинаи сайёра мекунад¹.

Савол ва жавоб санъати Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат асарларида ҳам кўринади. Ушбу санъат шоирнинг ички туйғуларини ифодалаш учун яхши восита бўлиб, мантиқий ва танқидий ишлатилса, у ўз вазифасини яхши бажаради. Масалан, шоирнинг “Шаббе бемўнису беёру ҳамдам” (Бир кеча ҳамдардсиз, ёрсиз ва ҳамдамсиз) деган шеърида фақат ғазал ичидаги биринчи мисрада савол ва жавоб санъатини ишлатган бўлиб, шоир ўзининг кейинги фикр ва мақсадини давом эттирган:

Чӣ гуфто? Гуфт: “Эй оне, ки гардидӣ,
Ба истехқоқ иқлими суханро Чам².

Мазмуни:

У нима деди? Айтди: Эй сен ким,

¹ Ҳайрат. Ашғори Мунтахаб. - Душанбе: Комбинати Полиграфии Тоҷикистон оид ба матбуот, 1964. - саҳ. 138.

² Шу асар. – саҳ. 127.

Ҳақиқатан ҳам, сўз иқлимида Жам (подшо)га айлагансан.

Муҳаммадсиддиқ Ҳайрат ҳақиқатан ҳам аруз илми, хусни баён (калом балоғати), аруз вазни ва бошқа адабий фанларни ўзлаштирган шоирлардан бўлиб, маънавий ва оғзаки санъатларни қўллашда, ўзининг шоирлик маҳоратини кўрсатган.

ХУЛОСА

